

Юлдуз ТЕМИНОВА

СЎЗ ХАЙРАТИ

Қарши
«Насаф» нашриёти
2006

84(59)6-5 938; 2Д2.0.2 сарла

- Ш етлар

Инсон борки, унинг юрагида ҳамиша муҳаббат яшайди. Муҳаббатли қалб эса дунёга ҳамиша ҳайратли нигоҳлар ила боқади. Инчунун, муҳаббатнинг ўзи ҳайратлардан иборат. Ҳайратли қалб манзараси кўнгилдан сўз ҳайратига айланиб тўкилади. Зеро, умидли қаламкаш Ю.Теминова айтганидек,


**Кўзимнинг уфқига ҳижронлар ботди,
Сўзинг ҳайратини чизди нигоҳлар.**

Ю 32968
0

T 4702620202-53 53-2006
376(09)2006

Ю.Темирова, 2006 й

ISBN 5-7323-0513-7





ВАТАН


Юрт нимадир, гиёҳми, танга,
Ватан нима, роҳатми жонга.
Тилга инган каломми Ватан,
Ризқми, нондек инъомми Ватан.

Нафасга сўз ўраб Ватан де,
Жонинг қийнаб бураб Ватан де.
Ўзин билмас гофилларни қўй,
Сен яхшилик сўраб Ватан де.

Юрт тупроғига бош эгиб,
Сажда қилди ким чин дилдан.
Чўлпон халқи-чун ютиб қон,
Озод бўлсин элим деган.

Нурга интил, зулматгамас,
Навоийдан зиё ол.
Ватан йўли ҳеч тугамас,
Хур Ватан қўйнида қол.





ЎЗБЕГИМСАН

Қишим, бу йил қадамларинг қутлуғ келди,
Осмонинг мўл қор-ёмғирга тўлиб келди,
Остонангга тинчлик эшик қоқиб келди,
Толеида иқбол кулган ўзбегимсан.

Ўзбекистон - она юртим чирой очсин,
Боғларингда чаман гуллар бўйин сочсин,
Остонангга дон-дунларинг тўлиб кетсин,
Толеида иқбол кулган ўзбегимсан.

Улуғ аждодларим руҳи қўллайверсин,
Дуоларин юртимизга йўллайверсин,
Хур диёрим чирой очиб гуллайверсин,
Толеида иқбол кулган ўзбегимсан.

Осмонингда кабутарлар баланд учсин,
Бу Ватанни доим омад, зафар қучсин,
Гулбоғларинг қуёш нурын қониб ичсин,
Толеида иқбол кулган ўзбегимсан.





ОНАЖОНИМГА

Онажоним, меҳрибоним, суюклигим,
Қизим деган юраклари куюклигим,
Тугар бўлди подшолигим, буюклигим,
Онажоним, изингизга зор қилмасин,
Сизни бизга тангрим ўзи кўп кўрмасин.

Болалигим қайда қолди, дилда фироқ,
Бағир тўла зулматимга ёқинг чироқ,
Сизга тухмат истаганлар бўлсин йироқ,
Онажоним, изингизга зор қилмасин,
Сизни бизга тангрим ўзи кўп кўрмасин.

Тенг қилмасин пастларига, тенг қилмасин,
Сизни зинҳор кўзингизни нам қилмасин,
Оллоҳ ўзи душманларга тенг қилмасин,
Онажоним, изингизга зор қилмасин,
Сизни бизга тангрим ўзи кўп кўрмасин.



ТАНГРИМ

Хаёт сўқмоғида дадил, мардона,
Бормоқдаман олис манзил томона,
Қалбимни қўймагил шубҳа, гумона,
Дунёни кўзимга тор этма, тангрим.

Орзу осмонида бахт қуши бўлай,
Гўдак уйқусида ҳақ туши бўлай,
Отабекнинг содиқ Кумуши бўлай,
Мени номардларга ёр этма, тангрим.

Кўрсатма онанинг кўз ёшларини,
Синдирмагил гўдак бардошларини,
Ларзага солмагил тоғ-тошларини,
Халлоқсан, меҳрингга зор этма, тангрим.

ЯШАЯПМИЗ

Яшаяпмиз юракни ҳисларга кўмиб,
Туйғулар дунёсин бағрига чўмиб,
Дилдаги гапларни пинҳона ютиб,
Яшаяпмиз негадир, нимадир кутиб.

Гоҳ оташ, гоҳ маъюс шеърларни битиб,
Титраган бармоқда қаламни тутиб,
Кўнгил қатларини бирма-бир ситиб,
Яшаяпмиз негадир, нимадир кутиб.

Ошиқиб югуриб, қайгадир чопиб,
Қалбдаги кўз билан қарайлик боқиб,
Кечикдик, кимнидир ичини ёқиб,
Яшаяпмиз негадир, нимадир кутиб.

МЕН ШОИР ЭМАСМАН

Мен шоир эмасман шеърлар битгани,
Шоирлик касбимга айланмаган, рост.
Қўлимда титраган жонсиз қалам бор,
Бу оппоқ қоғозда дарду алам бор.
Мен шоир эмасман шеърлар битгани,
Шеър кирмаган юракка дардимни отиб,
Йиртилиб ётса шеър балчиққа ботиб,
Шу ҳам шоирми деб кулсалар қотиб,
Мен шоир эмасман, эмасман шоир.
Мен шоир эмасман саробга кириб,
Сатрлар бировга бўлмаса керак.
Бундай яшагандан ўлмоғим керак,
Ҳатто жиз этмаса бирорта юрак,
Мен шоир эмасман, эмасман шоир.
Мен шоир эмасман мансабга учиб,
Китобим жавонда ётса чанг босиб.
Бирорта олмаса варақлаб очиб,
Мен шоир эмасман, эмасман шоир.





УМИД

Юрагингда муҳаббат илдизи унди,
Муҳаббат қуёшдек чакнади, кулди,
Гуллар қизардилар муҳаббат сабаб,
Қалбингда изҳорлар лиммо-лим тўлди.

Шаксиз гўзалликка интилар юрак,
Турфа туйғуларин тараннум этар.
Армонга айланиб қолмаса тилак,
Муҳаббат садоқат қасрига элтар.

Ёруғ орзуларга тўлиб шивирлар,
Ҳаприқиб отилган мунаввар кўнглим.
Севги, бу қуёшдан тўкилган нурлар,
Зебо хаёлларга тўлар умидим.





Қуёш нурларидан очилди гуллар,
Ишқнинг булогидан қониб ичайин.
Сенинг сочларингни тўзғитган шамол,
Нафис куртаккинанг ўзим бўлайин.

Сен мени тиканга алмашган гулсан,
Кузнинг шамолига берган баргларим.
Ниҳоясига етган тўртлик сингари,
Қуёшсиз тонг каби шамсиз тунларим.

Сенмасми тушимда юрган шаҳзода,
Интиқ қўшиқларим қуйлар шаббода.
Сендан тилло эмас, меҳр кутарман,
Қизғанчиқ, аммо ғамга сахий дунёда.



БЎЛМАДИНГ

Ёмғир бўлай дедим, ёшим бўлмадинг,
Баҳорда келувчи қушим бўлмадинг,
Қишдаги қор каби тўкилдинг рўё,
Сени қўмсагувчи тушим бўлмадинг.

Бўлмадинг мастона девона мисол,
Ойдин кечадаги шаббода мисол.
Қуёшнинг юзини тўсувчи булут,
Дарёга айланган қорим бўлмадинг.

ДИЛИМ

Дилим, қийноқлардан бўлмагин бемор,
Сени увол қилсам, кечиргин мени.
Агар кўз ёшингни сотсам ёмғирга,
Айблама зинҳор, тинч қўйгин мени.

Сотқин деб сотмагин савдогарларга,
Ўзингни севгига тутгувчисан деб.
Мени тарк этмагин шамолдай унсиз,
Муҳаббатнинг жонсиз саҳроларида.

Тўқдинг дема баргдек жолаларимни,
Раббим эшитгайдир ноалаларимни.
Дилим, ўзингсан-ку эшиксиз қабрим,
Қабримда унажак лолаларимни.

Ёмғирларни силтарди осмон,
Ер тўлганди томчи зарбига.
Чақмоқ чақди, титради макон,
Гўё лашкар чиққандек йўлга.

Ва бошланди унинг тўлғоғи,
Осмон бирдан кенгайиб кетди.
Булутларнинг бундай силтоғи,
Кўк пардасин чокини ситди.

Мурғак жоним баргдайин титраб,
Кўз ёшларим юракка томди.
Мажруҳ алам азобда қийнаб,
Оташида юрагим ёнди.

Ўз ҳукмини ўтказди фироқ,
Дуч келдик қисматнинг нигоҳларига.
Бахт, ташлаб кетмагин сен йироқ,
Алданиб тақдирнинг тузоқларига.





Боғда яшнар бўйланиб райҳон,
Булбуллар бахтдан маст куйлар шодон,
Ажиб ҳис етаклаб кетар бахт томон,
Бўйланиб бир соғинч келса мен томон.

Гарчанд соғинчим бор дилда етарли,
Ҳеч бир ихтиёр йўқ ортга қайтарли,
Аслида севмоқ ҳам бўлар хатарли,
Бўйланиб бир соғинч келса мен томон.

Соғинч кўланкаси турар қаршимда,
Билмасман, қандай ҳол кутади зимдан.
Хилма-хил синоат шаксиз, бошимда,
Бўйланиб бир соғинч келса мен томон.





СЎЗ ХАЙРАТИ

Сиз демокқа қилдингми қарор,
Фурур йўл бердими сирни очгани.
Жим қараб не савол ташладинг эй, ёр,
Шеъримни ёд айтган тилгинанг қани?

Сен отмаган тошни кўзларинг отди,
Кўпайиб тўзғиди дилда оҳ-воҳлар.
Кўзимнинг уфқига хижронлар ботди,
Сўзинг ҳайратини чизди нигоҳлар.





ТЎРТЛИКЛАР

Боғинг узра ўсган ўша гул ўзим,
Зулфинг ичра дона қаро хол ўзим.
Лаъли лабинг ичра томган бол ўзим,
Қадди ниҳолингга ўзим лол, ўзим.

Табассуминг юзингга тўр тортмиша,
Зулфинг ичра холинг гадо этмиша,
Мужгонларинг юракка ўқ отмиша,
Мусофир ҳолини гадо билмиша.

Шеърим боғида сайраган булбул,
Билолмайман нетай, ўша он не кун?
Ўзимни унутдим ўша кун буткул,
Илҳом юрагимни парчалаган тун.



МУНДАРИЖА

Ватан	3
Ўзбегимсан.....	4
Онажонимга.....	5
Тангрим.....	6
Яшаяпмиз.....	6
Мен шоир эмасман.....	7
Умид.....	8
«Қуёш нурларидан...».....	9
Бўлмадинг.....	10
Дилим.....	10
«Ёмғирларни силтарди осмон...».....	11
«Мурғак жоним...».....	11
«Боғда яшнар...».....	12
Сўз ҳайрати.....	13
Тўртликлар.....	14

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

ТЕМИНОВА ЮЛДУЗ

Шеърлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир: З.Омонова.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: З.Очилова.
Бадийий безакчи: Ж.Норқобилов.

ИБ1053

Теришга 9.10.2006 йилда берилди. Босишга 16.10.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 0,84. Шартли бўёқ- отт. 0,90. Нашр босма табоғи 0,40. 622-2006-шартнома. 108-буюртма. 100 нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси «Матбаа» цехида чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.